

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЯРАШОВА НАСИБА ЖУМАЕВНА

XXI АСР ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ТИЛИ ВА УСЛУБИЯТИ
(Х.Тўхтабоев ижоди мисолида)

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Ярашова Насиба Жумаевна

XXI аср ўзбек болалар адабиёти тили ва услубияти (Х.Тўхтабоев ижоди
мисолида) 3

Ярашова Насиба Жумаевна

Язык и стилистика узбекской детской литературы XXI века (на примере
творчества Х.Тухтабоева)..... 25

Yarashova Nasiba Jumayevna

Language and style of uzbek children's literature of the XXI century (on the
example of Kh.Tukhtaboev's creativity)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЯРАШОВА НАСИБА ЖУМАЕВНА

XXI АСР ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ТИЛИ ВА УСЛУБИЯТИ
(Х.Тўхтабоев ижоди мисолида)

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.Fil/701 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муродова Нигора Қулиевна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Суюн Амирович
филология фанлари доктори, профессор

Юлдашев Маъруфжон Мухаммаджонович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражасини берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Мухиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

А.Э.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ХХ асрда бадий асар тили ва у билан боғлиқ тил бирликларнинг нутқий воқеланишини илмий асослаш, муайян адиб ижодидаги поэтик хусусиятларини аниқлаш, тил бисотидан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қўлланиш доирасини кенгайтириш муаммоларини тадқиқ этиш устувор аҳамият касб этмоқда. Дунё тилшунослигида муайян ижодкор асарлари орқали болалар нутқининг стилистик-прагматик хусусиятларини ўрганиш, миллий характерлар яратишдаги ўзига хосликка эришишида сўз санъаткорларининг машаққатли хизматларини ижодкор – тил – бадиият муштараклиги тамойили асосида тадқиқ қилиш, уларнинг прагматингвистик, лингвокультурологик, этнолингвистик ва психоллингвистик хусусиятларини ёритиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Жаҳон тилшунослигида бадий асар тилининг нутқ, жамият, маданият, миллий тафаккур ва қадриятлар билан узвий муносабатини текшираётган янги йўналишларнинг шаклланиши фан олдида долзарб вазифаларни қўймоқда. Айниқса, болалар ёзувчиларининг сўз қўллашдаги маҳорати асарнинг бадийлигини таъминлашда асосий омил саналади ва асар тилининг равон ва аниқ бўлишига хизмат қилади. Ёзувчи асарлари мисолида бундай жиҳатларни тадқиқ этиш қимматли илмий-назарий билимлар бериш билан бир қаторда, болаларнинг коммуникатив қобилиятини, лингвокреатив салоҳиятини, болалар нутқининг фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини услубий жиҳатдан асослаш, лисоний ва нутқий вазият даражасини белгилаш тилшуносликда алоҳида изланиш олиб бориш заруратини кўрсатади.

Мустақилликдан сўнг она тилимизга эътибор янада кучайиб, илмий изланишларда маълум бир ижодкор асарларининг тили ҳамда услубий жиҳатларини миллий-маданий, стилистик нуқтаи назардан асослаб бериш ҳамда тавсифлаш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Бинобарин, «миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш»¹ зарур. Шу нуқтаи назардан, Худойберди Тўхтабоевнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини ўрганиш орқали болалар нутқи воситасида она тилимизнинг бетакрор имкониятларини янада кенгроқ ёритиш, ёзувчи асарлари тили ва услубиятининг янги қирраларини очиб бериш, ХХІ аср ўзбек болалар адабиёти тили ва услубиятини ёзувчи асарлари мисолида монографик тарзда ўрганиш танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги «Тараққиёт йўлимизнинг шиддати янада ошаверади» мавзусидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Қарори ҳамда 2019 йил 8 октябрь ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 4 октябрь ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарори ва 2019 йил 21 октябрь ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқиени тубдан ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида XX асрнинг 30-40 йилларидан бошлаб, маълум бир ижодкорнинг тили ва услуги масалалари тадқиқ этилган бир қанча изланишлар юзага кела бошлади. Зеро, XX аср охири ва XXI аср боши ўзбек тилшунослигида бадий асар тили борасида Х.Дониёров, Р.Қўнғуров, Б.Йўлдошев, С.Мирзаев, Қ.Самадов, И.Қўчқортоев, Х.Абдурахмонов, Н.Маҳмудов, Б.Умурқулов, И.Мирзаев, М.Ёқуббекова, С.Каримов, М.Йўлдошев каби олимларнинг тадқиқотларини² алоҳида эътироф этиш мумкин. Тадқиқотларда ижодкорларнинг мавжуд тил имкониятларидан фойдаланиш маҳорати, ифодали усули ҳамда индивидуал услуги ҳақида фикр-мулоҳазалар кенг баён этилган. Бу борадаги илмий изланишлар такомиллашиб, янада кенгайиб борди.

Жаҳон ҳамда рус тилшунослигида болалар нутқи ҳамда улар нутқини ривожлантириш имкониятлари С.Н.Цейтлин, Т.А.Гридина, Г.Р.Доброва, В.Королев, С.Б.Краснощекова, Е.Белоглазова, О.Л.Строгонова,

²Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. – 316 б.; Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд: СамДУ, 1975. – 82 б.; Шу муаллиф. Грамматик стилистика / Ўзбек филологияси. СамДУ асарлари, янги серия, №315. – Самарқанд: СамДУ, 1976. – Б. 118-126.; Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадий стил. – Тошкент: Фан, 1988. – 79 б.; Самадов Қ. Ойбекнинг тил маҳорати. – Тошкент: Фан, 1981. – 154 б.; Қўчқортоев И. Бадий нутқ стилистикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – 96 б.; Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Фан, 1981. – 59 б.; Умурқулов Б. Бадий адабиётда сўз. – Тошкент: Фан, 1981. – 134 б.; Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста (на материале современной узбекской поэзии): Дисс... док.филол.наук. – Ташкент, 1992. – 146 б.; Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 27 б.; Каримов С. Зулфия асарлари лингвостилистикаси. Монография. – Самарқанд: СамДУ, 2006. – 120 б.; Йўлдошев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фан.д-ри... дисс. – Тошкент, 2008. – 313 б.

Е.Ю.Моисеенко, И.Т.Вепрева, И.Т.Сибирякова, Л.С.Выготский тадқиқотларида³ қайд этиб ўтилган.

Ўзбек тилшунослигида мактабгача ёшдаги болалар нутқининг лисоний хусусиятлари, психоллингвистик, социопсихоллингвистик, прагматлингвистик жиҳатлари Н.Сайидирахимова, М.Қурбоновалар томонидан монографик тарзда тадқиқ этилган⁴. Шунингдек, тилшунослигимизда ўзбек болалари нутқида билингвизм муаммоларининг ифодаланиш масаласи М.С.Исмаилов тадқиқотларида⁵, болалар томонидан фонетик, лексик, грамматик тил бирликларининг ўзлаштирилиш имкониятларини аниқлаш О.Умархўжаева, Г.Искандароваларнинг илмий изланишларида ёритиб берилган⁶. Н.Маҳмудов томонидан бошланғич синф ўқувчилари учун «Сўз сандиқчаси: Ўзбек тилининг изоҳли луғатчаси» номли луғатнинг яратилиши ҳам болаларнинг лингвистик билимини ҳамда нутқ бойлигини ўстириш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади⁷. Юқорида келтирилган тадқиқотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, ўзбек тилшунослигида болалар адабиёти тили ва услубияти махсус тадқиқот объекти бўлмаганлиги мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Навоий давлат педагогика институтининг «Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

³ Цейтлин С.Н. Лекции по онтолингвистике. – Санкт-Петербург: Флинта, 2008. – С. 9.; Гридина Т.А. Онтолингвистика. Язык в зеркале детской речи. – Санкт-Петербург: Флинта, 2006. – 152 с.; Доброва Г.Р. Онтогенез персонального дейксиса/ <http://www.dslib.net/jazyko-znanie/ontogenez-personalnogodejksisa.html> - 2003. – С. 280-288.; Королев В. Стадии освоения детьми средств выражения локативного и темпорального дейксиса/ <http://cyberleninka.ru/article/n/#ixzz2K6sLGDIP> - 2011. – С. 222-226.; Краснощекова С.В. Местоименный дейксис в русской детской речи. Дисс. ... кандидата филол. наук. – Санкт-Петербург, - 2006. – 273 с.; Белоглазова Е.В. Дискурсная гетерогенность литературы для детей: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Санкт-Петербург, 2010. – 30 с.; Строгонова О.Л. Особенности репрезентации языковой личности подростка: лингво-прагматический аспект (на материале современных англоязычных учебно-методических комплексов и художественной литературы о подростках). <http://dissers.ru/1filologiya/.php>. - 2003. – С. 244-249.; Моисеенко Е.Ю. Дискурсно-прагматические особенности детской речи (на материале современного английского языка) / <http://avtoreferat.net/content/view/10628/31/> - 2003. – С. 267-272.; Вепрева И.Т., Сибирякова И.Т. Грамматическое варьирование в детской речи // Детская речь и пути её совершенствования: Межвуз. сб. науч. тр. – Свердловск, 1989. – С. 74-82.; Выготский Л.С. Мышление и речь. – Москва: Просвещение, 1934. – 262 с. Выготский Л.С. Воображение и творчества в детском возрасте. – Москва: Просвещение, 1999. – 92 с.

⁴ Сайидирахимова Н. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 126 б.; Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 154 б.; Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2018. – 240 б.; Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқининг прагматлингвистик аспекти. – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018. – 160 б.

⁵ Исмаилов М.С. Грамматические способы выражения пространственных отношений при двуязычии (на материале узбекско-русского раннего двуязычия): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1988. – 23 с.

⁶ Умархўжаева О. Болалар нутқининг баъзи фонетик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – №5. – Б.52-53; Искандарова Г. Болалар мулоқот хулқининг гендер ва лингвокультурологик хусусиятлари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент: Университет, 2015. – №12. – Б.200-203. Шу муаллиф. Боланинг нутқий фаолияти кечикиши сабаблари ва уни бартараф этишга доир мулоҳазалар // Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. II қисм. – Тошкент, 2013. – Б.203-207.

⁷ Маҳмудов Н. Сўз сандиқчаси: Ўзбек тилининг изоҳли луғатчаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2016. – 216 б.

Тадқиқотнинг мақсади Худойберди Тўхтабоев асарларидаги болалар нутқи воситасида ёзувчи асарларининг тили ҳамда услубий жиҳатларини, шунингдек, фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини миллий-маданий, стилистик нуқтаи назардан тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болалар нутқида қўлланилган фонографик-услубий воситалар ҳамда фонетик такрорларни бадиий матн мисолида таҳлил қилиш;

болалар нутқида қўлланувчи фонетик тежамлилик тамойили билан алоқадор ҳодисаларнинг услубий имкониятларини очиб бериш;

болалар нутқи лексикасини мавзуй гуруҳларга ажратиш орқали уларнинг луғат бойлигини аниқлаш;

болалар нутқида қўлланган фраземаларнинг структур-семантик ҳамда миллий-маданий хусусиятларини таҳлил қилиш;

болалар нутқида юзага келувчи новербал воситаларни стилистик нуқтаи назардан ёритиб бериш;

бадиий матнда болалар нутқининг морфологик хусусиятларини таҳлил қилиш орқали стилистик маъно қирраларини очиб бериш;

ундалмаларнинг болалар нутқида юзага келувчи номинатив, коннотатив, эмотив вазифаларини изоҳлаш;

болалар нутқида услубий-тасвирий воситаларнинг қўлланилишини таҳлил қилиш орқали болалар нутқининг бадиий-эстетик жиҳатларини ёритиш;

XXI аср ўзбек болалар адабиёти ижодкорлари асарларига қиёсан ўрганиш орқали Худойберди Тўхтабоевнинг индивидуал услубини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Худойберди Тўхтабоев томонидан XXI асрда яратилган «Қайлардасан, болалигим», «Қуёнлар салтанати», «Уч сайёҳнинг сафари», «Қиз болага тош отманг», «Пешонасига телевизор ёпишган боланинг саргузаштлари», «Муҳаббат қўшиғи» асарларидаги болалар нутқидан намуналар саралаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети болалар нутқининг фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини Худойберди Тўхтабоев асарлари мисолида миллий-маданий, стилистик жиҳатдан тадқиқ қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, контекстуал, стилистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болалар нутқини миллий-маданий, стилистик хусусиятларини Худойберди Тўхтабоев асарлари орқали ёритиш натижасида ижодкорга хос индивидуаллик жиҳатлари очиб берилган;

болалар нутқида қўлланилган фонографик-услубий воситаларнинг фоностилистик жиҳатлари XXI аср ўзбек болалар адабиёти ижодкорлари асарларидан олинган мисоллар билан қиёслаш орқали исботланган;

болалар нутқининг фонетик, лексик, грамматик таҳлили орқали улар нутқини типиклаштиришда фонетик аспектнинг устунлиги аниқланган;

бола тафаккури ва луғат бойлигини белгилайдиган лексик бирликлар, ноодатий семантик қўлланишлар, фраземаларнинг структур-семантик компонентларидаги ўзгаришларнинг ўринлашиши фактик материаллар асосида аниқланган;

болалар нутқида айрим грамматик формаларнинг адабий меъёр даражасида қўлланганлиги, функционал-стилистик имкониятлари, синтактик қурилмаларнинг структур-семантик ҳамда миллий-маданий жиҳатлари, услубий-тасвирий воситаларнинг бола нутқи индивидуаллигини таъминлашдаги ўрни далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда болалар нутқида фоностилистик воситаларнинг имконият даражаси юқорилиги аниқланган;

болалар нутқи лексикаси мавзуй гуруҳлари тематик жиҳатдан ранг-баранглиги, шахсий хусусиятларига кўра фарқланиши билан таҳлиллар асосида очиб берилган;

болалар нутқида грамматик бирликларнинг коммуникатив ва миллий-маданий хусусиятларини ҳамда услубий-тасвирий воситаларни таҳлил этиш натижасида бола шахси ўрганилган;

тадқиқот натижаларига кўра нашр этилган мақолалар ва «Нутқий ўхшатишларнинг қисқача изоҳли луғати» тил таълимида нутқ жараёнида юзага келадиган коннотатив маъноларни актуаллашувини англашга хизмат қилиши амалда кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Худойберди Тўхтабоев асарларида бош қаҳрамонлар – болалар нутқининг тили ҳамда услубиятини миллий-маданий ҳамда стилистик жиҳатдан тадқиқ этилиши, назарий маълумотларни келтириб ўтишда аниқ илмий манбаларга асосланганлиги, натижа ва хулосаларнинг лингвистик таҳлил методлари асосида ёритилганлиги, назарий фикрлар ҳамда хулосаларнинг ёзувчи асарлари мисолида исботланганлиги, тадқиқотда қўлланилган усуллар фактик материаллар ҳамда луғатлар асосида изоҳланганлиги, тадқиқот мавзусининг жаҳон тилшунослиги қўлга киритган энг сўнгги илмий янгиликлар асосида бойитилганлиги, ишда муаммо аниқ қўйилиб, хулосалар асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмийлиги ўзбек болалар адабиёти тили ва услубиятига бағишланган кейинги ишлар тадқиқи учун назарий аҳамият касб этади. Зеро, тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болалар нутқининг фонетик, лексик, грамматик хусусиятларига доир илмий-назарий қарашларни бойитиш; стилистика соҳасидаги изланишлар доирасини янада кенгайтириш, ушбу соҳаларда олиб борилаётган тадқиқот ишларининг моҳиятини чуқурроқ англаш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса тилшуносликка доир дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, услубий кўрсатма, монографиялар тайёрлашда; филология йўналишларида маъруза, амалий ва семинар машғулотларини ташкил қилишда, матн тилшунослиги бўйича

луғатларни яратишда, болаларнинг образли фикрлашини шакллантиришда миллий-маданий жиҳатларга эътибор қаратишда; болалар нутқини ўстириш мақсадида ота-она-ўқитувчи-болалар ҳамкорлигини йўлга қўйишда муҳим манба бўлиб хизмат қилишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Худойберди Тўхтабоев асарларининг тили ва услубиятини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

XXI аср ўзбек болалар адабиётининг тили ҳамда услубий жиҳатларини ёритишда Худойберди Тўхтабоев асарларидаги болалар нутқининг асосий ўрин тутиши каби масалалари 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-ГООЗ рақамли, «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 10 сентябрдаги 186/1-сон маълумотномаси). Натижада Худойберди Тўхтабоев асарларида қўлланилган турли тил воситалари орқали қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш, тўлақонли характерлар яратиш, бола шахси руҳий ҳолатини очиш, ёзувчи ғоявий мақсадини ифодалаш, давр манзарасини ёрқин, кишиларни жонли тасвирлаш, асарнинг миллий менталитетини таъминлаш каби масалаларни ёритишда диссертацияда ишлаб чиқилган усуллардан фойдаланилган.

Худойберди Тўхтабоев асарлари қаҳрамонлари – болалар томонидан ишлатилган фонетик такрорлар ва ибораларнинг хусусиятларига мурожаат қилиш масалалари ХТ-Ф-2-004-рақамли «Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари» (2008-2010) номли фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 ноябрдаги 89-03-4328 рақамли маълумотномаси). Натижада инсониятнинг бадиий тафаккури маҳсули бўлган халқ педагогикаси, ўзбек болалар фольклорини ўргатишда семантик-стилистик билимлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг ижодий компетентлигини оширувчи восита эканлигини аниқлаш каби масалаларни ёритишда диссертацияда ишлаб чиқилган методлардан фойдаланилган;

Худойберди Тўхтабоев асарларидаги болалар нутқида қўлланилган лексик бирликлар, уларнинг лексик-семантик жиҳатлари, новербал воситаларнинг лексик қатламга таъсири, изоҳли луғатларда лексик таркибнинг тавсифи ва такомиллаштириш вазифалари, ўзбек тили фразеологик луғатида маънодош ҳамда шаклдош фразеологик бирликлар тавсифи каби масалаларнинг хусусиятларини тадқиқ қилиш масалалари ИТД-1-07 рақамли «Тилшунослик асослари фанидан дарслик, ўқув-услубий мажмуа ва уларнинг электрон нусхаларини яратиш» номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 ноябрдаги 89-03-4328 рақамли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини жорий қилиш болалар нутқида ҳар бир лексик бирликнинг қандай ўрин эгаллашини аниқлашга олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши Навоий давлат педагогика институти Ўзбек тили кафедрасида муҳокама қилиниб,

тугалланган иш сифатида ҳимояга тавсия этилган. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро, 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та монография ва 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 138 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

«**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари берилган, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, жорийланиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бадий матнда болалар нутқининг фонетик-услубий хусусиятлари**» деб номланган. Бобнинг «**Болалар нутқида фонографик-услубий воситаларнинг қўлланилиши**» номли биринчи бўлимида ўзбек тилшунослигида фоностилистика соҳасини ўрганишга бағишланган С.Каримов, Г.Яхшиева, Д.Шадиева, З.Кабилова, Н.Тўланова, А.Ҳайдаров, М.Йўлдошев, А.Шофқоровларнинг ишларига муносабат билдирилган⁸. Тадқиқотнинг ушбу бўлимида нафақат лексик ёки синтактик бирликлар, балки фонетик бирликлар ҳам коннотатив маъно компонентларини ифодалаши, маълум бир унли ёки ундош фонеманинг физик-акустик, перцептив жиҳатларга эгаллиги болалар адабиёти тили, хусусан, Худойберди Тўхтабоев асарларидаги болалар нутқи орқали, масалан, унли ҳамда ундош товушларни чўзиш, сўзларни бўғинлаш ёрдамида фонографик-услубий воситаларнинг намоён бўлиши кенг таҳлил қилинган.

⁸ Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1994. – 292 б.; Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол. фан номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 24 б.; Шадиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърини лингвопоэтикаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 21 б.; Кабилова З. Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Тўланова Н. Тўксонинчи йиллар ўзбек шеърини тилидаги бадий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 25 б.; Ҳайдаров А. Бадий матннинг фоностилистик воситалари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 24 б.; Йўлдошев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 48 б.; Шофқоров А. Миртемир шеърини тақрорнинг маъновий-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2012. – 143 б.

Рус тилшуноси А.Р.Лурия таъкидлаганидек, «Боланинг ўзини тутишида юзага келувчи мураккаб бошқарув масалаларида нутқ фаолияти асос бўлади»⁹, бу хусусиятлар бола нутқи фаолиятини бадиий матн асосида таҳлил қилганда яққол юзага чиқади. Маълумки, айнан бир унли товуш бирдан ортиқ ишлатилганда фонографик-услубий вазифа бажариши мумкин. Бир товушдан иборат ундовлар интонация билан боғлиқ равишда икки хил – ижобий ёки салбий ҳис-туйғу ифодалайди. Худойберди Тўхтабоев «Қуёнлар салтанати» романидаги болалар нутқида ў унли товушини бирдан ортиқ келтириш натижасида қаҳрамонларнинг юз бераётган воқеа-ҳодисадан ҳайратланиб, таажжубга тушиб, лол қолганлик каби ҳолатларини эмоционал тарзда ифодалашга хизмат қилган: ...«ў-ў-ў» *деб юборишди. (150-б.)*. Болалар нутқида мусиқийлик ва чўзиқликни ифода этувчи унлиларни бирдан ортиқ қўллаш усулини Н.Л.Фигурин ҳамда М.Т.Денисовалар тетиклашиш комплекси¹⁰ дея таъкидлашади. Худойберди Тўхтабоевнинг «Қайлардасан, болалигим» асари қаҳрамони Хумоюн ўз руҳиятидаги ички ҳаяжонини босолмай, севиниш ҳолатини намоён этиш мақсадида унли товуш билан бир қаторда ундош товушларни ҳам чўзиб талаффуз қилади: – *Буни мен топдим ур-ра-а..., (57-б), – Ур-ра-а-а... Оловни мен ёқдим. (58-б)*. Ижодкор бола нутқида фонографик-услубий воситани қўллаш орқали бола шахсини тўла намоён қилиш билан бирга, унинг психологик ҳолатини, шунингдек, ўғил болаларга хос бўлган хусусият – масъулиятни ҳис этиш, бирор ишни удалай олиш қобилияти устун эканлигини кўрсатиб қўйиш каби жиҳатларни кўрсатиб бера олган.

XXI аср ўзбек болалар адабиёти вакиллари орасида Худойберди Тўхтабоев асарларидаги болалар нутқида, юқорида кузатганимиздек, унли товушларнинг чўзиб талаффуз қилиниши ҳамда ёзувда ўз ифодасини топиши билан боғлиқ бўлган коннотатив маънолар интонация билан бевосита боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Маълумки, кичик мактаб ёшидаги болаларнинг кўпчилиги нутқида **о** унли товушининг бирдан ортиқ келтирилиши учраб туради ва «этироз», «қизғаниш», «мазах қилиш», «мақтаниш», «инкор этиш» каби маънолар ифодаланади. Ижодкорнинг «Қайлардасан, болалигим» асаридаги «Дадажон, илтимос ёзманг!» ҳикоясида Бахтиёр исмли бола нутқида **о** унли товушининг бирдан ортиқ келтирилишидан қаҳрамоннинг отаси фикрига этирози намоён бўлган. Дадаси ўғлига ойисининг яхши ўқиганлиги ҳақида гапирганда, у шундай дейди: – *Хо-о, чиройли ёзувдан «икки» олар эканлар, ўзлари айтганлар. (119-б.)*. Ушбу ўринда унли товуш орқали ҳосил қилинган фонографик восита киноя маъносини англайтиб турибди. Ижодкор бу матнни бевосита мақсадли, таг маъноли матн сифатида юзага келтириб, этироз мазмуни сабаби бевосита бола нутқидан англашиниб турибди, бола дадасининг инкор этишига ўрин қолдирмаяпти, чунки бу фикрни онасининг ўзи айтган. Бу эса ўқувчида юмористик кулгу кўзғатиши табиий. «Сўз бошидаги ундош товушларнинг иккилантирилиши

⁹ Лурия А.Р. Язык и сознание. – Москва: Наука, 1979. – С. 70.

¹⁰ Фигурин Н.Л., Денисова М.Б. Этапы развития поведения ребёнка в возрасте от рождения до одного года. – Москва изд. и тип. Медгиза, 1949. – С. 90.

персонажга хос нутқий камчилик ёки унинг ўта хаяжонланганлигини ифодаласа, сўз охиридаги ундошнинг бирдан ортиқ такрори шу сўзнинг чўзиқ талаффузини билдиради»¹¹. Масалан: – *Ур-ра, мен маза қиялман (53-б.)*. «Қайлардасан, болалигим» асари қахрамони Фаррухнинг болаларга хос нутқи орқали ундош товушлар чўзиқ талаффуз этилганда белгининг ортиқлиги кузатилиши билан бир қаторда бола нутқида ўзи қилган ишидан роҳатланиш, ғурурланиш, ғалаба нашидасини суриш каби фонопрагматик хусусиятлар акс этади.

Тадқиқотда болалар нутқида фонографик-услубий воситаларнинг қўлланилиши бола руҳиятидаги ички хаяжон, хурсанд бўлиш, хафа бўлиш, розилик, таажжуб, ялиниш, ҳайратланиш, киноя, пичинг, кесатиқ, олқиш, сўрок, таъкид, қоникмаслик, норизолик, орзу-истак, қўллаб-қувватлаш каби ҳолатларни намоён этишга хизмат қилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Бобнинг «**Болалар нутқида фонетик такрорларнинг услубий хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бўлимда фонетик такрорнинг болалар нутқида қўлланилган аллитерация, ассонанс, геминация каби турлари таҳлил қилинган. Ишда ўзбек тилшунослигида такрор юзасидан фикр билдирилган бир қанча тадқиқотларга тўхталиб ўтилган¹².

Шеъринг матнда бир хил товушларнинг такрорланиши¹³ни Р.Қўнғуров аллитерация деб атаса, С.Каримов умуман поэтик асарларнинг турли ўринларидаги товуш такрори дея кўрсатади¹⁴. «Товушлар замиридаги мусиқийликка асосланган усул»¹⁵, – дея этироф этади М.Йўлдошев. Худойберди Тўхтабоев асарларида такрорнинг аллитерация тури бола нутқининг индивидуаллигини кўрсатиб турувчи услубий восита даражасига кўтарилган.

Худойберди Тўхтабоев ижодида маълум бир товушни такрор келтириш, одатда, эҳтиёждан келиб чиқмайди. Чунки ижодкор асарларининг қахрамонлари болалар маълум бир мақсадни кўзлаб фикр юритишмайди, бироқ «Китоб келтиринг бизга» тарзида ёзилган шеъринг мисраларда бола эҳтиёжи туфайли ижодкорга сўз танлаш масъулиятини юклаб, бунда ёзувчининг бошқаларга ўхшамайдиган индивидуал услуби намоён бўлади. Бу орқали ижодкор м товушидан аллитерация сифатида фойдаланиб, унинг гўзал услубий намунасини ярата олган: – *Музқаймоқ ҳам емаймиз, Конфет беринг демаймиз, Ҳечам шўхлик қилмаймиз, Китоб келтиринг бизга. (178-б.)*.

¹¹ Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол. фан. номз...дисс. автореф. –Тошкент, 1997. – Б.15-16.

¹² Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1992. – С.47.; Бобоев Т., Бобоева З. Бадий санъатлар. – Тошкент: ТДПУ, 2001. – 115 б.; Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 97.; Ҳайдаров А.А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: Филол.фан. номз. ..дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 21 б.; Шофқоров А. Миртемир шеърини такрорнинг маъновий-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 27 б.; Умирова С. Ўзбек шеърини таҳлил қилиш: лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърини мисолида): Филол. фан. фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 22 б.

¹³ Қўнғуров Р. Кўрсатилган асар. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.130.

¹⁴ Каримов С. Бадий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ, 1994. – Б.56.

¹⁵ Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.45.

Ёзувчи ушбу «м» ундоши орқали болалар талаффузидаги мулойимлик оҳангининг нафақат сўзлар таркибига, балки ҳар бир мисрага майинлик бахш этганлигини ўзига хос индивидуал жиҳатлари билан рўёбга чиқара олган.

Худойберди Тўхтабоев ижодида бадиий матндаги болалар нутқида интонацион бутунлик, оҳангдорлик ва эмоционал-экспрессивлик бағишлаш мақсадида қўлланиладиган фонетик такрорлардан яна бири **ассонанс**дир. «Ассонанс – айнан ёки яқин унлиларнинг такрорланиши натижасида юзага келадиган оҳангдошлик»¹⁶. Худойберди Тўхтабоев асарларида ассонанслар кам қўлланилса-да, қофиядош сўзлар таркибида келиб, бадиий матнга кўтаринки руҳ ва ўзига хос мусиқийлик бахш этган. Ёзувчи асосан болаларга хос бўлган хусусиятлар, масалан, асар қаҳрамони Омонбой катта тухумини акаси Давронбой олиб қўйгани учун ундан аразлаб уни масхара қилишини болалар фольклори намунаси – тегишмачоқлар орқали кўрсатиб, унутилиб бораётган оғзаки ижод намуналарини қайта жонлантирган. Тегишмачоқлар «...болаларнинг бир-бирларига ва катталарга ҳазилкашликлари, тегишишларидан туғиладиган гоҳ мутойибали, гоҳ мулозаматли, гоҳ мазахли юмористик бадиҳалар ҳисобланади»¹⁷, тегишмачоқларда болаларча беғуборлик ва беғараз кулгу етакчи бўлади, масалан: – *Давронбой хўжа, Бултурги жўжа, Бола очади, Ташлаб қочади! (19-б.)*. Кўриниб турибдики, тегишмачоқ болага завқ беради, Омонбой акаси Давронбойни лақаб тегишмачоқ (бултурги жўжа) билан мазах қиляпти. Сўзлардаги а, о, ў унлиларининг ҳамда ж (ч) ундош товушларининг такрори мусиқийликни таъминлаб, образли ифодага бола диққатини тортади. Мисолдаги такрор билан боғлиқ сўзларнинг барчаси нарса-предметга нисбатан қиёслаш тушунчаси билан боғланади. Бу ҳол сўзлар талаффузида маълум бир уйғунликни юзага келтирган.

Худойберди Тўхтабоев асарларидаги болалар нутқида кенг қўлланиладиган фонетик такрорлардан яна бири **геминация**дир. Ушбу фонетик такрор илмий тадқиқотларда «ундошларни қаватлаш»¹⁸, «қўшоқланиш» ёки «иккиланган ундош»¹⁹, «қўш ундошлик»²⁰ «геминация»²¹ сингари номлар билан аталган. Ҳ.Неъматов геминацияни фонетик ўзгариш сифатида таъкидлаб, аввало, «к, қ, т, л» ундош товушларининг қўш ҳолда келишини айтиб ўтади²². Ёзувчи «Қайлардасан, болалигим» асарида геминация ҳодисасини қўллаш воситасида уни фонетик такрорнинг бир кўриниши сифатида намоён қилиш билан бирга маълум бир мақсадни, яъни сўз маъносини кучайтириш, таъкидлаш, нутқнинг таъсирчанлигини оширишни назарда туттади: – *Ўша шербаччалар ким бўлибди. (174-б.)*.

Ёзувчи қаҳрамонларининг ички дунёсини ҳамда уларнинг орзу-истакларини акс эттириш, ўқувчи қалбига тезроқ сингиб боришига эришиш

¹⁶ Ёўлдошев М. Кўрсатилган асар. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 97.

¹⁷ Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Мусиқа, 2010. – Б. 347.

¹⁸ Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 88.

¹⁹ Неъматов Ҳ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 86.

²⁰ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎзМЭ, 2002. – Б. 143.

²¹ Ёўлдошев М. Кўрсатилган асар. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.47.

²² Неъматов Ҳ. Кўрсатилган асар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б.86.

мақсадида икки ундошни кетма-кет ишлатади: – *Мана, акам мазза қилиб гаплашяпти.* («Қуёнлар салтанати», 177-б.). Бундай шаклни келтириш воситасида ижодкор белгининг ортиқлигини ифодалашда маънони кучайтириб, экспрессив бўёқдорликни юзага чиқарган.

«Ўзбек тили морфем луғати»да унли ёки ундошлар орасида кузатиладиган бу каби ҳолат «фонетик бошқалик» деб эътироф этилиб, маълум бир услубий мақсад учун хизмат қилиши назарда тутилади²³. Масалан: – *Рухсатсиз кетишга ҳаққимиз йўқ-ку.* («Қуёнлар салтанати», 44-б.).

Умуман олганда, болалар нутқида товушнинг физик-акустик томони, яъни товуш чўзиқлиги, кучи, тембри, баландлиги – жами бир бутунликда бадий-эстетик вазифани бажаришга хизмат қилган.

Бобнинг «**Болалар нутқида фонетик тежамлиликнинг ифодаланиши**» деб номланган учинчи бўлимида жаҳон ҳамда ўзбек тилшунослигида тежамлилик тамойилининг ўрганилиши масалалари хусусида тўхталиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган²⁴. М.Миртожиев томонидан фонетик воситалар тадқиқ қилинар экан, олим коннотатив маъно бошқа тил бирликларига қараганда уларда кучлироқ ифодаланишини таъкидлаб, «у нутқда қўлланилиши жиҳатидан ўзига хосликларга эга»²⁵, – дея ўз фикрларини асослайди. Зеро, болалар адабиёти тилидаги болалар нутқида фонемаларнинг эвфоник (хамоҳанг, оҳангдош) хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. Бу хусусиятлар сўз таркибида бирор бир товушни тушириш натижасида юзага келади. Болалар нутқида бу ҳолат кўпроқ кузатилади. Улар ифодалаётган фикрларида бирор бир товушни ёки айрим бўғинларни тушириб қолдириши натижасида фонетик тежамлилик тамойилини юзага келтирадилар. Маълумки, «Поэтик матнда сўзнинг фонетик қиёфасига алоҳида эътибор берилади. Вазн талаби, оҳанг билан боғлиқ айрим ноқулайликларнинг олдини олиш мақсадида талаффуз қулайлигига интилиш фонетик тежамлиликни юзага келтиради»²⁶.

«Талаффуз қулайлигига интилиш туфайли нутқ жараёнида сўздаги товушлар занжирида турли фонетик ўзгаришлар рўй беради»²⁷, фонетик ўзгаришларнинг диереза, элизия, синкопа, апокопа каби кўринишлари

²³ Ғуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б.367.

²⁴ Миртожиев М. Ўзбек тилида эллипсис натижасида синекдоханинг содир бўлиши // Ўзбек тилшунослиги масалалари. 475-чиқиши. – Тошкент, 1975. – Б.59-67; Саитбоева М. Ўзбек тилида феъл кесими эллипсисга учраган айрим гаплар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1979. -№5. –Б.76-77; Шукуров И. Эллипсис сабабли отларда нутқий метонимиялар содир бўлиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. -№3. – Б.44-46; Маҳкамов Н. Терминологияда «экономия принципи» // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: I Республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент,1986. (Бюллетень ЎзР ФА). – Б.49-50; Мислиддинова М. Талаффуздаги тежамлилик // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2005. -№5. – Б.80-83; Туробова М. Синтактик тежамлилик ҳодисаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. -№ 5. – Б. 79-83. Юсубова Р. Ҳозирги ўзбек поэзиясида лисоний тежамлилик ва ортиқчалик. (А.Орипов лирикаси мисолида):Филол.фан. номз...дисс.автореф. – Тошкент, 2011. – Б. 28.

²⁵ Миртожиев М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: ТошДУ, 1998. – Б. 5.

²⁶ Юсубова Р. Поэтик матнда тежамлилик ва ортиқчалик. – Навоий: «Алишер Навоий» нашриёти, 2018. – Б. 18.

²⁷ Маматов Ж. Редукция билан боғлиқ ёндош ҳодисалар// Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 2008.-№4. – Б. 61.

фонетик тежамлиликка йўл очиши ишда кенг таҳлил қилинган. Шунингдек, ёрдамчи сўз туркумлари – боғловчи, юклама, кўмакчиларнинг ҳам болалар нутқида фонетик тежамлилик сифатида вужудга келишига гувоҳ бўлинди: – *Акажон, мен ухлаб қоляпман. // – Менам...* («Қайлардасан, болалигим», 25-б.). Бу ўринда ҳам юкламасидаги «х» бўғиз товушини фонетик қисқарган ҳолда қўллашдан ҳеч қандай коннотатив маъно англашилмаяпти, балки ҳам юкламаси услуб талаби билан матндан туширилган ҳамда фонетик қисқарган шаклда қўлланган.

Айтиш мумкинки, болалар нутқида фонографик-услубий воситаларнинг унлиларни чўзиш ҳамда ундошларни қаватлаш, сўзларни бўғинлаб талаффуз қилиш, шунингдек, нутқ товушларини фонетик тежаш тарзида рўёбга чиқиши ижодкорнинг индивидуал услубини намоён этади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Бадий матнда болалар нутқи лексикасининг услубий хусусиятлари**» деб номланган. Ушбу бобнинг «**Болалар нутқи лексикасининг мавзуй гуруҳлари**» номли биринчи бўлимида ҳозирга қадар маълум бир ижодкор асарлари лексикаси мавзуй гуруҳларга бўлиб ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилган²⁸. Ишда Худойберди Тўхтабоев асарларидаги болалар нутқи лексикаси 30 дан ортиқ мавзуй гуруҳларга бўлиб ўрганилган: қариндошлик ва биологик жинс тушунчасини ифода этувчи лексемалар (1), инсон тана аъзолари ҳамда уларнинг тузилишига оид лексемалар (2), авторусумлар, уларнинг номлари ҳамда эҳтиёт қисмлари билан боғлиқ лексемалар (3), уй ва ёввойи ҳайвонлар номлари билан боғлиқ лексемалар (4), паррандалар ва қушлар номлари билан боғлиқ лексемалар (5), электрон нарсалар номлари билан боғлиқ лексемалар (6), ўйин ва унинг турлари билан боғлиқ лексемалар (7), таом ва у билан боғлиқ лексемалар (8), борлиқдаги табиий нарсалар, ҳодисалар номи билан боғлиқ лексемалар (9), касб-хунар ва машғулот номлари билан боғлиқ лексемалар (10), кийим-кечак номлари билан боғлиқ лексемалар, (11), антропонимлар (12), вақт, фасл тушунчасини ифода этувчи лексемалар (13), ўсимлик, дарахт, гуллар ва уларни ифодаловчи лексемалар (14), шахс ва бошқа нарсаларни аташ, кўрсатиш, мулоқотга киришув лексемалари (олмошлар) (15), таълим, тарбия, маърифатга оид лексемалар (16), нарса ва ҳодисаларнинг белги, кўриниш хусусиятларини ифода этувчи лексемалар (17), сон, миқдор тушунчаларини англатувчи лексемалар (18), расм-русум, урф-одат билан боғлиқ лексемалар (19), жой номлари билан боғлиқ лексемалар (20), уй-рўзғор буюмлари, хўжаликка оид лексемалар (21), бола ҳолати ва кайфияти билан боғлиқ лексемалар (22) каби.

Ижодкор асарларидаги болалар ҳаётида муҳим ўрин тутувчи машғулотлардан бири миллий ўйинларга катта эътибор қаратилган. Илмий

²⁸ Рустамов М. Гадоий девони тилининг лексикаси: Филол. фан. номз...дисс. – Тошкент, 1992. – 24 б.; Тожибоев М. Муҳаммад Шабоний девони тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз...дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 22 б.; Дадабоев Х., Ҳамидов З., Холмонова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Тошкент: Фан, 2007. – 22 б.; Чориев Б. Ғафур Ғулом поэзиясининг лексик-семантик гуруҳлари. – Тошкент: Ворис, 2007. – 22 б.; Холмонова З. «Бобурнома» лексикаси. – Тошкент: Фан, 2007. – 22 б.; Нормаматов С. Абдулла Авлоний шеърини лексикасининг маъновий-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 21 б.

манбаларда қайд этилганидек, болани келгуси ҳаётга тайёрлашда ўйинлар асосий восита бўла олади²⁹. Шунингдек, миллий ўйинлар миллий кадриятларнинг бир кўриниши сифатида китобхон-болаларни миллий руҳда тарбия топишига хизмат қилади. Бу ўринда ижодкорнинг мақсади ҳам болалар миллий ўйинларининг унутилишини олдини олишга, миллий кадриятларга болалар муҳаббатини уйғотишга қаратилган, деб ўйлаймиз.

Ёзувчининг «Қуёнлар салтанати» романи қаҳрамони Эгамберди нутқи орқали миллий ўйинлар билан бир қаторда, болалар томонидан ўйлаб топилган ўйинлар ҳам келтирилган: – *Хонкелди қишлоғида ҳеч қандай тартибга бўйсунмайдиган, ҳеч қандай қонунга риоя қилмайдиган, муштлашиш, эшакминди, бов устига бов, ўн акки соат тўхтамай тўп тешиш, даштга, ҳўв анави тоғ ён бағридаги кенгликка чиқиб олиб велосипеднинг қосқони сингунча пойга уюштириш сингари ёввойи ўйинлар авжига чиққан.* (9-б.). Кўриняптики, болалар ўйин фаолияти жараёнидаги мулоқот вазиятида ўз шахсий фазилатлари ва характер-хусусиятларини нутқларига мос равишда акс эттиряптилар. Шунингдек, ўйин жараёнида болаларнинг атроф-муҳитга нисбатан тасаввурлари ортиб, воқеликка муносабат билдира олаётганликлари ҳам яққол намоёндыр. Шунингдек, ишда асардаги кўпроқ ўғил болаларга хос *кураш, кўз бойлагич, варрак учирши, арқон тортиши* каби миллий ўйинлар таҳлил қилинган.

Умуман олганда, Худойберди Тўхтабоев қаҳрамонлари – болаларни аутизм, яъни ижтимоий мулоқотдан қочишга уринадиган³⁰ қаҳрамонлар сифатида эмас, балки экстровеит – муомалага тез кириша оладиган³¹ ХХI авлоди сифатида шакллантиришга эътибор қаратади.

Бобнинг «**Болалар нутқида фраземалар услубий восита сифатида**» деб номланган иккинчи бўлимида болалар нутқида қўлланган фраземаларнинг структур-семантик ҳамда миллий-маданий хусусиятлари Х.Тўхтабоев асарлари мисолида таҳлил этилган. ХХ асрнинг бошларида дунё тилшунослигида фразеологизмларни лингвистик ва лингвостилистик йўналишда тадқиқ қилиш ўрганила бошланган. Бу борада ўзбек тилшунослигида ҳозирга қадар кўплаб тадқиқотлар юзага келган³². Ш.Раҳматуллаев таъкидлаганидек, «биттадан ортиқ лексик негиздан таркиб

²⁹ Қаранг: Ғозиев Э. Психология (ёш даврлари психологияси). – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б.99.

³⁰ Қаранг: Николаенко Н.Н., Вершенина Е.А. Понимание метафор и идном у здоровых детей и больных аутизмом. <http://www.iling.spb.ru/grammaticon/child/contence.html>.-31.05.2004.

³¹ Қаранг: Мўминов С. Коммуникация танишув босқичининг социопсихоллингвистик хусусиятлари. // Илмий хабарлар. – Фарғона, 1996. –№1. – Б.113.

³² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол.фан. д-ри ...дисс.автореф. – Тошкент, 1966. – Б.46.; Йўлдашев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол.фан. д-ри ...дисс.автореф. – Тошкент, 1993. – 47 б.; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол.фан.д-ри ...дисс.автореф. – Тошкент, Тошкент, 2000. – 56 б.; Алмаматова Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.; Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 24 б.; Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили (кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида): Филол. фан. фалсафа д-ри(PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 51 б.; Болтаева Б. Ўзбек тили фразеологик бирликларининг трансформацияси (семантик-прагматик таҳлил): Филол. фан. фалсафа д-ри (PhD)... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 48 б. ва бошқалар.

топган, тузилиши жиҳатидан бирикмага, гапга тенг, мазмунан сўзга эквивалент, яхлитлигича устама кўчма маъно англатувчи луғавий бирликка фразеологик бирлик дейилади»³³. А.Маматовнинг фикрича, фраземалар тилнинг алоҳида бирлиги бўлиб, тузилишига кўра эркин боғланма ёки гапга тенг, тўлиқ ёки қисман семантик қайта шаклланган образли, турғун сўз бирикмаларини ўз ичига олади³⁴.

Ижодкорлар «умумтил ибораси замиридаги маънонинг янгича талқинини очиш, иборанинг лексик таркибини ўзгартириш, унинг семантик-стилистик функцияларини кенгайтириш, иборага янгича мажозий ва образли маънолар киритиш каби усуллардан фойдаланадилар»³⁵. Масалан, «Қайлардасан, болалигим» асарининг қаҳрамони Рашид шу қадар сўзга чечанки, лексик-услубий воситалардан шундай маҳорат билан фойдаланадики, унинг нутқида фраземаларнинг мазмунини сақлаган ҳолда структурасини ўзгартириб қўллаш кўзга ташланади: – *Ўзинг ҳам идиш-товоқларни эрталабгача ювиб қўймасанг, меҳрибон ойишонинг терингни шилиб баданингга туз сепеди...*(97-б.). Ушбу фразема «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати»да *терисига сомон тиқмоқ*, яъни «жуда қаттиқ жазоламоқ»³⁶; «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *терисига (ёки терисини шилиб) сомон тиқмоқ*, яъни «ниҳоятда қаттиқ жазоламоқ»³⁷ маъноларида қўлланган. Бироқ қаҳрамон бола нутқида фраземанинг эмоционал кучи шу даражада оширилганки, терисини шилиб, сомон эмас, балки туз сепиш натижасида қаттиқ жазолаш мумкинлигини келтириб ўтади. Бу фраземани қўллаш орқали Худойберди Тўхтабоев боланинг хатти-ҳаракатлари, характер-хусусиятларини кўрсатиш билан бир қаторда, унинг нутқи орқали бола руҳиятини очишга ҳаракат қилган. Худойберди Тўхтабоев болалар нутқида айрим окказионал фраземаларни ҳам маҳорат билан қўллайдики, улар воситасида унинг она тили имкониятларидан озиқланганлиги ҳамда тилнинг бойишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшганлигини исботлайди. Масалан, *гап теккизмоқ* фраземасини олиб кўрайлик. Бу фразема ўзбек тилининг фразеологик луғатларидан ўрин олган бўлса-да, бироқ адиб уни ҳодисага салбий муносабатини ифодаловчи лексик-услубий восита сифатида қўллайди: – *Қани машинага чиқинглар, лекин мактабимизга гап тегадиган иш қилманглар.*\\ – **Гап теккизмаймиз!** («Қуёнлар салтанати», 7-б.). «Гап тегизмоқ» фраземаси матнда ҳам катталар, ҳам болалар нутқида кузатилган. Худойберди Тўхтабоев эса бу фраземани болалар нутқида келтириш воситасида уларнинг қалбида Ватанга, Ватаннинг бир бўлаги бўлмиш илм маскани – мактабга нисбатан ҳурмат туйғусида улғайишга, камолот сари

³³ Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Тошкент: Фан, 1970. – Б. 51.

³⁴Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филол.фан.д-ри ...дисс.автореф. – Тошкент, 1999. – Б.11.

